Жорий таъмирлашга оид
**ШАРТНОМА № 2**

Самарканд тумани «25» Апрел 2022 йил

МЧЖ ."Йулдошов Хуршид Строй Бизнес" кейинги уринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Х.Йулдошов номидан, бир томондан ва Самарканд туман Ободонлаштириш бошкармаси кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади. ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари Ж. Саидов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га **Самарканд тумани Куштамгали МФЙ худудини Унг томон Ободонлаштириш ва газон учун сув трубаларини утказишни жорий таъмирлаш** 3 Этап (кейинги уринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш. "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни кабул килиш ва киймагини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланган иловада келтирилади.

| № | Ишнинг номи | Бошлангич нархи | Шартноманинг умумий киймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|
| 1 | Самарканд тумани Куштамгали МФЙ худудини Унг томон Ободонлаштириш ва газон учун сув трубаларини утказишни жорий таъмирлаш 3 Этап | 24 481 861 | 24 479 928 |
| | 15% НДС | 3 672 279 | 0 |
| | Жами: | 28 154 140 | 24 479 928 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси Без Ндс **24 479 928 (йигирма тўрт миллион тўрт юз етмиш тўккиз минг тўккиз юз йигирма саккиз) сум.**

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: «25» Апрел 2022 йил. Тугаши: "31" декабр 2022 йил.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг хукуклари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофик. бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофик тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб килиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган такдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўгриланиши харажатларини коплашни;
- бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар коплашнинини "Бажарувчи"дан талаб килиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

**2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан хак тўлашнини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган "Ишлар"ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб килиш.

**2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:**

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл куйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни ___ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг **24 479 928 (йигирма тўрт миллион тўрт юз етмиш тўккиз минг тўккиз юз йигирма саккиз) сумни** ташкил килади.

Бажариладиган "Ишлар"нинг бахоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Газначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30 % микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. колган 70 % ни бажарилган ишлар тўгрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида кабул килиш далолатномаси. хисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
4.5 Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўгри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўгри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади. ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўгри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этилиши Тайлок туманлараро иктисодий судида ҳал этилиши қайд этилади. .
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил " 28 Апрел 2022 йил «31» Декабргача амалда бўлади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор қилиниш мумкин
8.2 Шартнома газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амалда булади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## 10. КОРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК.

10.1 Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари" тўғрисидаги қонуни 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли қонунининг 13 моддасига кўрсатилган.
10. .2.Харид қилиш тамойилини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак.
10..3 Давлат буюртмачилари давлат харидларини амалга ошириш тартиб тамойллари тўғрисидаги ахборот нинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш керак.

## X. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Етказиб берувчи | Буюртмачи |
|---|---|
| Ташкилот номи МЧЖ ." Йўлдошов Хуршид Строй Бизнес"<br>Манзил : Пайарик тумани Кўнаки МФЙ Эмалач қишлоғи<br><br>ОКОНХ: ______<br><br>Х Р : 20208000005477189001<br><br>Банк номи : АТБ Ипотека банк Самарқанд шаҳри Куксарой филиал<br><br>МФО : 00262 ИНН:<br><br>Раҳбар: Йўлдошов<br><br>М.Ў. (имзо) Ф.И.Ш | Ташкилот номи: **Самарқанд туман Ободонлаштириш бошқармаси**<br>Манзил: Самарқанд тумани<br>СТИР коди : 206938285 ОКОНХ: 90211<br>Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи:<br>Х р 100022860182337013990110004<br>МФО: 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси<br>Ягона Ғазначилик ҳисоб варақлари (ЯҒХ):<br>23402000300100001010<br>Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ<br>МФО :00014<br>Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919<br><br>Раҳбар:<br>М.Ў. (имзо) Ф.И.Ш |

*Ҳуқуқшунос* ______________________
*Лицензия (диплом) №* *берилган санаси:*
"____" ______________

*Ҳуқуқшунос* ______________
*Лицензия (диплом) №* *берилган санаси:*
«___» ______________

2022 йил «25» Апрел № 2 - сонли шартноманинг 3 -варағи

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GZ3431435888

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi: **"Yo'ldoshev Xurshid Story Biznes" MChJ bilan tuzilgan 2-sonli joriy ta'mirlash (Samarqand tumani, "Qo'shtamg'ali" MFY hududining o'ng tomonini obodonlashtirish va gazon uchun suv quvurlarini o'tkazish 3-etap (bosqich)ga oid shartnoma**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: **Samarqand tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 25.04.2022-yil ishlab chiqilgan va 25.04.2022-yilda tizimga kiritilgan.**

*Mazkur loyiha Xalq deputatlari Samarqand tumani kengashining 03.02.2022 yildagi VI-53-16-7-103-K/22-sonli Qarori 1-ilovasi 2-bandi talablariga hamda amaldagi boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.*

2022-yil 25-aprel

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**Bosh yuriskonsulti** **B.B. Xolmurodov**

# СПЕЦИФИКАЦИЯ

Приложение к договору № 2 от 25.04 2022 год

| № п.п | Наименование работ и затрат. характеристика оборудования и его масса | Единица измерения | Количество | Предложение участника | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | На единицу | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 1 |
| | **ТРОТУАР 150 МЕТР** | | | | |
| 1 | РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ. ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 100М3 | 0,06 | 3009191.7 | 180551.5 |
| 2 | ПЛАНИРОВКА ПЛОЩАДЕЙ РУЧНЫМ СПОСОБОМ, ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 1000М2 | 0,30 | 2403445,3 | 721033,6 |
| 3 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНОЙ СМЕСИ | 100М3 | 0,22 | 4227143.7 | 929971.6 |
| 4 | УСТРОЙСТВО ЦЕМЕНТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ ОДНОСЛОЙНЫХ СРЕДСТВАМИ МАЛОЙ МЕХАНИЗАЦИИ ТОЛЩИНА СЛОЯ 20 СМ | 1000М2 | 0,30 | 88223721.0 | 26467116.3 |
| 5 | ВЫЧИТАЕТСЯ ТОЛЩИНА СЛОЯ НА 10 СМ | 1000М2 | 0,3 | -42862167,2 | -12858650,2 |
| | **УСТАНОВКА ТРУБ ДЛЯ ГАЗОНОВ** | | | | |
| 1 | РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ. ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 100М3 | 0,03 | 2865896,9 | 85977 |
| 2 | УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 50 ММ | КМ | 0,03 | 17858857,5 | 535766 |
| 3 | УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 25 ММ | КМ | 0,03 | 6836727.5 | 205102 |
| 4 | УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 20 ММ | КМ | 0,04 | 5932777,5 | 237311 |
| 5 | ОТВОД Д=25 мм | ШТ | 15 | 972,0 | 14580,00 |
| 6 | ОТВОД Д=50 мм | ШТ | 2 | 2620,0 | 5240,00 |
| 7 | ПОЛУОТВОД Д=50 мм | ШТ | 1 | 2620.0 | 2620.00 |
| 8 | ЗАГЛУШКА Д=50 мм | ШТ | 2 | 1580,0 | 3160.00 |
| 9 | ТРОЙНИК ПЕРЕХОДНОЙ ДИАМ25-20-25ММ | ШТ | 15 | 4600.0 | 69000,00 |
| 10 | ТРОЙНИК ПЕРЕХОДНОЙ ДИАМ 50-25-50ММ | ШТ | 2 | 6048.0 | 12096,00 |
| 11 | ВИНТЕЛЬ КРАН ШАРОВОЙ ППР ДУ 25 ММ | ШТ | 6 | 26000,0 | 156000.00 |
| 12 | УСТАНОВКА НАСОСОВ ЦЕНТРОБЕЖНЫХ С ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЕМ МАССОЙ АГРЕГАТА, ДО 0.1 Т | НАСОС | 1 | 603475,3 | 603475 |
| 13 | СТОИМОСТЬ НАСОСА К40-32-128 9.5 М3Ч НАПОР 18М | ШТ | 1 | 2829499.0 | 2829499 |
| 14 | АМЕРИКАНКА Д 63 | ШТ | 1 | 8200.0 | 8200 |
| 15 | АДАПТОР | ШТ | 15 | 4500.0 | 67500 |
| 16 | ФОНТАНЧИК | ШТ | 15 | 3620.0 | 54300 |
| 17 | ВИНТЕЛЬ КРАН ШАРОВОЙ ППР ДУ 50 ММ | ШТ | 6 | 48000,0 | 288000 |
| 18 | ЗАСЫПКА ВРУЧНУЮ ТРАНШЕЙ, ПАЗУХ КОТЛОВАНОВ И ЯМ. ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 100М3 | 0,06 | 1808864.8 | 108532 |
| | ИТОГО: | | | | 20726381 |
| | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 18.11% | | | | 3753548 |
| | ИТОГО: | | | | 24479928 |
| | НДС - 15% | | | | 0 |
| | ИТОГО С НДС | | | | 24479928 |

ЗАКАЗЧИК　　　　　　　　　　ПОДРЯДЧИК

# XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND TUMANI KENGASHI

Samarqand t. 140300, Gulobod qo'rg'oni, 1-uy. Tel: (66) 612-51-89

2022 - yil 3 - fevral VI-53-16-7-103-K/22 Samarqand tuman hokimligi

## Samarqand tumani mahalliy budjetining qo'shimcha manbalari hisobidan amalga oshiriladigan tadbirlar to'g'risida

Tumandagi tashkilotlarning murojaatlari hamda O'zbekiston Respublikasi "Budjet kodeksi"ning 126-moddasiga muvofiq, tuman mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga hosil bo'lgan erkin qoldiq mablag'lari hisobidan amalga oshiriladigan tadbirlar uchun qilinadigan xarajatlar bo'yicha sessiya qatnashchilarining fikr va munosabatlarini hisobga olgan holda, Xalq deputatlari Samarqand tumani Kengashining oltinchi chaqiriq ellik uchinchi sessiyasi

**QAROR QILADI:**

1. Samarqand tumani mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga hosil bo'lgan erkin qoldiq mablag'lari hisobidan amalga oshiriladigan tadbirlar to'g'risidagi tuman hokimining takliflari ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tumani mahalliy budjetining 2022-yil 1-yanvar holatiga hosil bo'lgan erkin qoldiq mablag'lari hisobidan sarflanish miqdorlari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Tuman hokimligi moliya bo'limi (Sh.Voseyev)ga budjetga tegishli o'zgartirish kiritish, tuman g'aznachilik bo'linmasi (I.Elboyev), tuman obodonlashtirish boshqarmasi boshlig'i (J.Saidov)larga ajratilgan mablag'larni belgilangan tartibda to'lovlarini amalga oshirish va ajratilgan mablag'lardan maqsadli foydalanish vazifalari topshirilsin.

4. Mazkur qaror bajarilishini nazorat qilish Xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy

komissiyasi (B.Xusanov) va tuman hokimining birinchi o'rinbosari F.Gariyeva zimmasiga yuklatilsin.

**Kengash Raisi** N.Mavlonov

Халқ депутатлари Самарқанд
тумани Кенгашининг
2022 йил 3 февралдаги
VI-33-16-7-103-К/22-сон қарорига
1-илова

**Samarqand tumani mahalliy budjetining 2022 yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag'lari hisobidan sarflanishi to'g'risida ma'lumot**

| T/R | Xarajat turlari | Summasi |
|---|---|---|
| JAMI | | 382 840,0 |
| 1 | Tumandagi mahalla fukarolar yiginilarning yer va bino inshootlarini kadastr xujjatlarini tayyorlash va davlat ruyxatidan utkazish uchun | 104 840,0 |
| 2 | Tumanning Qo'shtamg'ali mahallasi hududida "Yashil makon" loyixasi doirasida yangi qurilayotgan ko'prik chap va o'ng tomonidan obodonlashtirish va kukalamzorlashtirish ishlarini tashkil etish yo'lakchalar barpo etish, gazonlarga favoralar o'rnatish. maqsadida nasos va turba tortish tashkil etish uchun | 200 000,0 |
| 3 | Tumandagi 38 ta mahalla fukarolar yig'inlarida tadbirkorlikni rivojlantirish, axoli bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha hokim yordamchilariga shart-sharoit yaratish maqsadida stol va stul sotib olish uchun | 38 000,0 |
| 4 | Tumandagi 40 ta mahalla fukarolar yig'inlarida Yoshlar yetakchilariga shart-sharoit yaratish maqsadida stol va stul sotib olish uchun | 40 000,0 |